

# КИЗИЛ УЗБЕКИСТОН

УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (БОЛЬШЕВИК)ЛАР ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ  
ВА УЗБЕКИСТОН ССРОЛИИ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 215 (7662)  
13  
СЕНТЯБРЬ  
ЧОРШАНБА  
1950 ЙИЛ  
ВАҲОСИ  
20 ТИЙИ.

Уртоқ Иосиф Виссарионович Сталинга рапорт (1-нчи бет).  
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА: Амудар'ё—Красноводск Бош Туркман каналини қуриш тўғрисида, Фарбий Туркманистондаги Каспий бўйи текислигининг жанубий районларидаги, Амудар'ё этакларидаги ва Қорақум чўлининг фарбий қисмидаги ерларни суғориш ва уларга сув чиқариш тўғрисида (1-нчи бет).  
ВЛКСМ Марказий Комитети IV пленумининг қарорларини изчиллик билан амалга оширайлик (2-нчи бет).  
Пахта териш ва тайёрлаш сур'атини яна ҳам ошириш учун пахтакорлар ўртасида Октябрь-олди социалистик мусобақасини кучайтирайлик! (3-нчи бет).  
Шарқи-Жанубий Осиё халқлари озодлик ва миллий мустақиллик учун курашмоқдалар (3 ва 4-нчи бет).  
Қуридаги воқиалар (4-нчи бет).

Уртоқ Иосиф Виссарионович Сталинга рапорт (1-нчи бет).  
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА: Амудар'ё—Красноводск Бош Туркман каналини қуриш тўғрисида, Фарбий Туркманистондаги Каспий бўйи текислигининг жанубий районларидаги, Амудар'ё этакларидаги ва Қорақум чўлининг фарбий қисмидаги ерларни суғориш ва уларга сув чиқариш тўғрисида (1-нчи бет).  
ВЛКСМ Марказий Комитети IV пленумининг қарорларини изчиллик билан амалга оширайлик (2-нчи бет).  
Пахта териш ва тайёрлаш сур'атини яна ҳам ошириш учун пахтакорлар ўртасида Октябрь-олди социалистик мусобақасини кучайтирайлик! (3-нчи бет).  
Шарқи-Жанубий Осиё халқлари озодлик ва миллий мустақиллик учун курашмоқдалар (3 ва 4-нчи бет).  
Қуридаги воқиалар (4-нчи бет).

## Бош Туркман канали

Бутун дун'е меҳнатқашларининг фикри-эбири буюк тасодий меҳнатияла план-вазифа билан тўлиб тошган кудратли Совет давлатига, улуғ сулҳарвар мамлакатга қаратилгандир.

Янги уруш оловини ёқучи империалистлар инсониятни қириб ташлашдан иборат ахмоқона планларни тўзатган бир пайта, тинчлик ва демократиянинг мустақам таянчи бўлган Совет Иттифоқи коммунистик жамоият қурилишининг сталинча гениал планини муваффақиятли суратда амалга оширмоқда.

Бутун тараққийларвар инсоният СССР Министрлар Советининг, Волгада Куйбисhev ва Сталинград гидроэлектростанцияларини қуриш тўғрисида чиқарган қарорларини эър мамуният билан мақуллашди. Бутун дун'а бўлиб соф виждонли кишилар «...муминимиз ани шу улдувдор қурилишларни тўғрисидаги ҳўшхабарни Совет Иттифоқи куч-қудратининг, Совет Иттифоқи сулҳарварлиги сўбатининг ёркин ифодаси деб билмоқдалар.

Бутун Совет ҳукуматининг «Амудар'ё—Красноводск Бош Туркман каналини қуриш тўғрисида, Фарбий Туркманистондаги Каспий бўйи текислигининг жанубий районларидаги Амудар'ё этакларидаги ва Қорақум чўлининг фарбий қисмидаги ерларни суғориш ва уларга сув чиқариш тўғрисида»ги қарори э'лон қилинди.

Совет кишилари замонавийнинг ани шу аюбий ҳужжатини ўзларининг улуг Ватани учун чекис фахрлини ҳислари билан ўқидилар. Янги қурилишнинг ми'ёслари бевосдири! Сталинча планга мувофиқ қуриладиган Бош Туркман каналининг узунлиги бир миңг бир кз километрди.

Бу буюк қурилиш Фарбий Туркманистонинг Каспий бўйи текислигидаги жанубий районларида, Амудар'ё этакларида ва Қорақум чўлининг фарбий қисмида санаот корхоналарини сув билан та'минлаш, асосан пахтачиликни ривожлантириш учун янги ерларни суғориш, яйловларга сув чиқариш ва чорвачилик учун керакли ем-хашак базасини янада мустақамлаш, бу районларда санаот ва қишлоқ ҳўжалиги учун гидроэлектр қуввати олиш мақсадида барпо қилинади.

Большевикларнинг иродасига мувофиқ Амудар'ё сувлари шу дар'ё бўйидаги Тахиатошдан бошланиб, Сарикамиш пастигидан айланиб, ёнбара Қорақум чўли орқали Узбой ўзанидан ўтиб, Фарбий Туркманистоннинг Каспий бўйи текислигидаги сувиз районларга оқизилади. Амудар'ёдан секундида 350—400 кубометр миқдорда сув чиқарилади ва келгусида сувни Каспий денгизига оқизмай, секундида 600 кубометргача сув чиқариш кўзда тутилди.

Қилинадиган ишлар жумласига Амудар'ё бўйидаги Тахиатошда кучли тўғон ва Бош Туркман каналида катта сув омборларига эга бўлган икки тўғон қурилиши киряди.

Жам'и юз миңг киловатт электр қуввати берадиган учта гидроэлектростанция қурилади. Буларнинг бири Тахиатош тўғонидан ва иккинчиси Бош Туркман канали тўғонларида қурилади.

Бош Туркман каналда бошланадиган йирик суғориш ва сув чиқариш каналларининг умумий узунлиги бир миңг икки юз километр бўлади.

Санаот корхоналари ва аҳоли яшайдиган пунктларни сув билан та'минлаш учун Бош Туркман каналдан жам'и бир миңг километр узунлигидаги йирик қувурлар ўтказилади.

Коммунистик янги буюк ишюоти: — асосан пахтачиликни ривожлантириш мақсадида бир миллион уч юз миңг гектар янги ерларни суғориш ва уларга сув чиқариш;

— Қорақум чўлида Бош Туркман каналдан сув олиши мумкин бўлган етти миллион гектаргача яйловларга сув чиқариш;

— санаот корхоналарини, темир йўл транспортини сув ва техника сувни билан тўла та'минлаш, шунингдек Фарбий Туркманистондаги аҳоли яшайдиган пунктларни қўқаламзорлаштириш;

— Бош Туркман канали, бу каналдан бошланадиган суғориш ва сув чиқариш каналларининг бўйларида, янги суғориладиган ерлар чегараларида, санаот корхоналари ва аҳоли яшайдиган пунктлар теварагида жам'и салкам бешюз миңг гектар ҳажмидаги ерларга иҳота дарахтлари ўтқазилш ва қумларнинг кўчишини тўхтатишни кўзда тутди.

Амудар'ё бўйидаги Тахиатош ёнида гидроэлектростанцияни тўғон қурилиши ва Бош Туркман канали ва ундаги барча ишоотлар ва Бош каналдан бошланадиган суғориш ва сув чиқариш каналларини қуриш тўғрисида 1957 йилда таомланаси.

Бош Туркман канали қурилиши Ватаниннг ўзгартириш, социалистик Ватаниннг иқтисодий кудратини мустақамлаш, совет халқининг фаробчилигини янада оширишдан иборат сталинча гениал планининг тарихий исмидир.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети «СССРнинг Европа қисмидаги даштлик ва ўрмон-даштлик районларида муттавил му'л ҳосил етиштирилишига та'минлаш учун даштларни иҳота қилиб дарахт ўтқазилш, ўт-далалар алмашлаб экинчи жойий қилиш, қовча ва сув омборлари қуриш плани тўғрисида» деб ўртоқ Сталин ташаббуси билан қарор қабул қилган пайдан буюк хали икки йил ҳам ўтган йў, Ана шу қисқа вақт ичида мамлакатимизда жуذا катта ишлар қилинди.

Хозирги вақтда Каспий денгизидан тортиб, ўроқ тоғларига чўзилиб кетган поёнисиз даштларда, мамлакатнинг неча миң километрлик доирадаги даштлик ва ўрмон-даштлик районларида бўлажак дарахтзорларнинг кўчатлари барқ уриб ўсмоқда. Бу ерларда жуذا кўп ҳовуз ва сув омборлари қазилди, дарахтзорларни иҳота қилиш станциялари тайинил этилдими, бу станциялар илгор совет техникаси билан та'минланган.

Хозирги пайта янги суғориш системасига ўтилмоқда, улуғ рус дар'ёси Волга бўйларида эса Куйбисhev ва Сталинград гидроэлектростанциялари қурилишига иришилди.

Ишчилар, олимлар, тадқиқочилар, инженерлар, конструкторлар, лойиҳачилар, даштларни дадиллик билан бўйсундиручи кишиларнинг буюк армияси юм. муминимиз янги ишоотлари планларини гойт баланд руҳ билан амалга оширишга иришмоқдалар. Волга дар'ёсининг станцияларининг тўғонларидан сув тўқизиланиб оқадиган, Волга узоқ ерлардаги даштларга сув чиқариб берадиган пайт узоқ эмас. Амудар'ёнинг ҳавт-бахш сувлари Қорақум чўлида орқали қумлик даштларга, Каспий бўйи водисига эки сувиз районларга оқизилади. Мамлакатимизнинг галлакор районларида ўзининг ҳалонатли кучлари билан таҳдид солиб турган даштлик ва қум тепалирига, жазирема иссиқлики ва кумларини учириб келтирадиган гармисел ва қўрқоқчиликка тез орада хотима берилади.

Шарқи халқлари зилол сувли дар'ёлари, даштларда боғ-бўстонлар барпо қилишни, афсоналарда тасвирланган бахт манзилларини асрлар бўйи орау қилиб келган эдилар. Бу орау ва тўқлавлар ҳўжал ва эртаклар воситаси билан насдан-насла ўтиб келди.

Халқ кўйида тасвирланган даврининг келишига ишонди:

Кайнаб оқажакдир билдур чашмалар, Кўшлар сайраб кетар тилсиз сахрола, Мухий кўк тагида яшнайди боғлар, Мушташам саройлар қад кўтарди, Одамлар йиғилар қувуқ базма, Бахту-шодмонликни кайфин сургалди.

Чўли бўйсундирган мардлар-ша'нинг Айтилур кўйининг юрак газали.

Кўп авлодларнинг орау ва тилқлари биринчи кунларимизда сталинча буюк қурилишлар даврида амалга оширилмоқда. Совет мамлакатидидаги халқлар ҳозирги кунда даштларни бўйсундираётган мард большевикларни турли тилларда самийни, табриклар қўқламоқдалар, большевиклар партиясини ва июножон Сталиннинг генийсел ва халқ ишофатларини кўзда тутиб қилган буюк зафарли ишлари қадимги орау, тилакларини амалга ошириш учун йўл очиб берди.

Орадан бирнеча йил ўтиши билан юм сахролари махсулдор олтин водисига айланди. Оловек қизиб кетган кўм сахроларидан боғ ва бўстонлар гуллади, кўчаннинг гулдан тунги пайларда онда сондагина аланга берган сахроларда электр чирогои нур сочди. Қазилган денгизлар, каналлар, ўтказилган қувурлар қадимги замонларнинг карвон йўлларида одамлар ташинлаш ва жазирема иссиқликига бардод беролмай ҳалок бўлган ўлик ерларга ҳавт бахш этди.

Буюк ишоотлар планларида Ленин—Сталин партиясининг социалистик Ватаниннг шон-шўҳрати ва кудрати тўғрисидаги жуذا катта гамхўрлиги ифода қилинган, Қорақум, Каспий бўйи текислиги, Ногай даштлари, Сарпинск пасти текислигига сув чиқарилиши ва уларнинг фалаштирилиши натижасида шарқида социалистик қишлоқ ҳўжалигини ва чорвачиликни янада зўр бериб ривожлантириш, илгариги уюмсиз дашт-бий банларда санаотта керакли ўрмонзорларни ажузуда келтириш, санаот қурилиши ва маданий қурилишни кучайтириш учун катта имонийят очилди.

Совет ҳукуматининг тарихий қарорлари Ленинча-сталинча миллий сўбат, совет халқларининг буюк дўстлиги ва кардошчилигини янада мустақамлаш енисети, кўп миллатли Ватанимизнинг шон-шўҳрати ва кудратини ошириш сўбатини изчиллик билан амалга оширилайтиганини кўрсатуви янги далиллар.

Сталин замонасининг улуг ишоотларини бутун мамлакат қуради. Хозирги кунда Совет Иттифоқининг миллионларча меҳнатқашлари гойт баланд руҳ ва эър гайрат билан ишлямоқдалар, улар коммунистлар партиясини ва Совет ҳукуматининг гамхўрлигига социалистик қурилишининг барча соҳаларида янги меҳнат зафарлари билан жавоб қайтармоқдалар.

Совет кишилари поилоқ истижобларига умид ва ишонч билан назар солмоқдалар, ўз Ватаниларининг куч кудратини яхши билдиб фахрланган ва Ленин—Сталин партиясини, совет халқи эришган барча галабаларининг илкомисини, ташкилотчиликни улуг йўлбошичи ва устоу ўртоқ Сталинга чин кўнглидан муҳаббат қўйган ва астойдил содиқ бўлган совет кишилари қомил ишонч билан янги галабалар сағи олча буюмоқдалар.

«ПРАВДА»нинг 12 сентябрдаги бошмақоласи.

## СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

### Амудар'ё—Красноводск Бош Туркман каналини қуриш тўғрисида, Фарбий Туркманистондаги Каспий бўйи текислигининг жанубий районларидаги, Амудар'ё этакларидаги ва Қорақум чўлининг фарбий қисмидаги ерларни суғориш ва уларга сув чиқариш тўғрисида

Фарбий Туркманистоннинг Каспий бўйи текислиги жанубий районларида, Амудар'ё этакларида ва Қорақум чўлининг фарбий қисмида санаот корхоналарини сув билан та'минлаш, асосан пахтачиликни ривожлантириш учун янги ерларни суғориш, яйловларга сув чиқариш ва чорвачилик учун керакли ем-хашак базасини янада мустақамлаш, бу районларда санаот ва қишлоқ ҳўжалиги учун гидроэлектр қуввати олиш мақсадида ССР Иттифоқи Министрлар Совети қарор қилди:

1. Бир миңг бир юз километр узунлигидаги Амудар'ё—Красноводск Бош Туркман канали қуриلسин. Каналнинг трассаси — Амудар'ё бўйидаги Тахиатошдан бошланиб, Сарикамиш пастигидан айланиб ўтади ва шундан кейин Қорақум чўли орқали қадимги Узбой ўзанидан ўтиб, Фарбий Туркманистоннинг Каспий бўйи текислигидаги сувиз районларгача чўзилиб борди.

Бош Туркман канали қурилишида қўйидаги ишлар бажарилсин:

а) Амудар'ё бўйидаги Тахиатош ёнида тўғон ҳамда Бош Туркман каналда катта сув омборлари билан икки тўғон қуриلسин;

б) жам'и юз миңг киловатт қувват берадиган учта гидроэлектростанция қуриلسин, буларнинг бири Тахиатош тўғони ёнида ва иккитаси Бош Туркман канали тўғонлари ёнида қуриلسин;

в) Фарбий Туркманистоннинг Каспий бўйи текислиги жанубий районларининг ерларини ва Амудар'ё этагидаги ерларни суғориш учун Бош Туркман каналдан ва Тахиатош тўғонидан сув оладиган жам'и бир миңг икки юз километр узунлигидаги катта суғориш ва сув чиқариш каналлари қуриلسин;

г) санаот корхоналари ва аҳоли яшайдиган пунктларини сув билан та'минлаш учун Бош Туркман каналдан бошланадиган жам'и бир миңг километр узунлигидаги катта қувурлар қуриلسин.

Амудар'ёдан Бош Туркман каналига секундида 350—400 кубометр миқдорда сув чиқарилиши ва келгусида сувни Каспий денгизига оқизмай, секундида 600 кубометргача сув чиқариш кўзда тутилсин.

2. Бош Туркман канали ва Тахиатош тўғонидан фойдаланиш асосида қўйидаги чоралар амалга оширилсин:

а) асосан пахтачиликни ривожлантириш мақсадида бир миллион уч юз миңг гектар янги ер суғорилиши ва уларга экин экилсин, шу жумладан Фарбий Туркманистон Каспий бўйи текислигининг жанубий районларида беш юз миңг гектар, Амудар'ёнинг денгизга қўйилиш районида уч юз миңг гектар, Қорақалпоғистон автоном республикасида ва иттифоқдош Туркманистон республикасининг шимолий районларида беш юз миңг гектар янги ерлар суғорилсин ва уларга экин экилсин;

б) Қорақум чўлида Бош Туркман каналдан сув олиши мумкин бўлган етти миллион гектаргача яйловларга сув чиқарилиши;

в) санаот корхоналари, темир йўл транспортини изчиллик сув ва техника сувни билан тўла та'минлаш, шунингдек Фарбий Туркманистондаги аҳоли яшайдиган пунктлар сув билан та'минлансин ва қўқаламзорлаштирилсин;

г) Бош Туркман канали, бу каналдан бошланадиган суғориш ва сув чиқариш каналларининг бўйларида, янги суғориладиган ерлар чегараларида, санаот корхоналари ва аҳоли яшайдиган пунктлар теварагида жам'и қарийб беш юз миңг гектар ҳажмидаги ерларга иҳота дарахтлари ўтқазилсин ва қумларнинг кўчиши тўхтатилсин.

3. 1951 йилда Бош Туркман канали қурилишидаги тайёргардик ишларга киришилсин ва Амудар'ё бўйидаги Тахиатош ёнида гидроэлектростанцияни тўғон қурилиши, Бош Туркман канали ва ундаги

барча ишоотлар ва Бош каналдан бошланадиган суғориш ва сув чиқариш каналлари қурилиши 1957 йилда таомлансин.

4. Гидропроектга (ўртоқ С. Я. Жук) Бош Туркман каналини, Амудар'ё бўйидаги Тахиатош ёнида тўғон ва гидроэлектростанцияни, Бош Туркман каналда тўғонлар, гидроэлектростанцияларини, Бош каналдан бошланадиган йирик сув чиқариш ва суғориш каналларининг асосий ишоотларини ва насос станцияларини қуриш, шунингдек Бош каналдан Фарбий Туркманистоннинг Каспий бўйи текислигидаги суғориладиган ерларгача йирик суғориш каналини қуриш билан боғлиқ бўлган барча лойиҳа-қидириш ва текшириш ишларини бажариш топширилсин.

5. Бош Туркман каналини ва ундаги ишоотларни, Амудар'ё бўйидаги Тахиатош ёнида тўғон ва гидростанциялар қуриш, Бош Туркман каналда тўғон, гидроэлектростанциялар ва бошқа ишоотлар, Бош каналдан бошланадиган йирик суғориш ва сув чиқариш каналларининг бош ишоотларини қуриш, шунингдек Фарбий Туркманистон Каспий бўйи текислигидаги суғориладиган ерларгача Бош каналдан бошланадиган йирик суғориш каналини қуриш учун 1950 йилда қурилиш ташкилотини «Средазгидрострой» ташкил этилсин.

Уртоқ С. К. Калижюк қурилишнинг бошлиғи ва ўртоқ В. С. Эристов қурилишнинг бош инженери қилиб тайинлансин.

6. СССР Пахтачилик Министрлигига, СССР Қишлоқ ҳўжалик министрлигига ва СССР Совхозлар Министрлигига қўйидаги ишлар топширилсин:

а) суғориладиган ерлар доирасида Бош каналдан бошланадиган йирик суғориш ва сув чиқариш каналларида қидириш, лойиҳалаш ва қурилиш ишларини олиб бориш ҳамда Фарбий Туркманистоннинг Каспий бўйи текислигидаги жанубий районларда ва Амудар'ё этагида янги ерларни суғориш соҳасидаги ишларни бажариш;

б) Қорақум чўлида Бош Туркман каналдан сув олиши мумкин бўлган яйловларга сув чиқариш ва Бош Туркман канали атрофидаги янги ерларни суғориш соҳасида лойиҳалаш-қидириш ва қурилиш ишларини бажариш;

в) суғориладиган янги ерлардан фойдаланиш, бу ерларга асосан пахта экин ва сув чиқариладиган ҳамда суғориладиган районларда чорвачиликни кеңг ривожлантириш чораларини 1951 йил 1 октябргача белгилаб чиқиш.

7. Санаот корхоналарини ва улар яқинидаги аҳоли яшайдиган пунктларни сув билан та'минлаш учун, шунингдек санаот корхоналари ва аҳоли яшайдиган пунктлар районларида, шаҳар теварагидаги ҳўжаликлар ерларини суғориш ва дарахт ўтқазилш, бу ерларга Бош Туркман каналдан сув чиқариш учун тегишли санаот министрликларига катта қувурлар ясаш, сув чиқариш каналлари ва водопроводлар ҳамда насос станцияларини қуриш соҳасида қидириш, лойиҳалаш ҳамда қурилиш ишларини бажариш юклансин.

8. Бош Туркман канали бўйида ва Бош каналдан бошланадиган йирик суғориш ва сув чиқариш каналлари бўйида дарахт ўтқазилш ҳамда қумларнинг кўчишини тўхтатиш соҳасидаги қидириш, лойиҳалаш ишлари ва дарахт ўтқазилш ҳамда қумларнинг кўчишини тўхтатиш тадбирларини қуриш СССР ўрмон ҳўжалиги, министрлигига юклансин.

9. Дар'ё флотини министрлигига Бош Туркман каналдан кемалар қатнаштиш учун фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш мажбурияти юклансин.

МОСКВА, КРЕМЛЬ

### ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрон Иосиф Виссарионович, Сталинград областининг қолхоз ва совхозлари галла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгаро бажарилганини Сизга ма'лум қиламан. Галла тайёрлаш плани юқори сифатли дон билан ва асосан озиқ-овқат экинлари билан бажарилди. Тайёрлаш пунктларида белгиланган плангадан ибрга 2 миллион 849 миңг луд ортиқ лудбо ва 937 миңг луд ортиқ жавдари лудбо топширилди.

МТСларнинг ишлари учун қолхозларга берилган сечетларга мувофиқ давлатга галла топшириш давом этимқда.

Областдаги қолхоз ва совхозлар Сизнинг кўрсатмаларини бажариб, 1951 йилда ҳосил олиш учун куз ва баҳор фаслида экинга керакли уруғлар билан ўзларини тўла та'мин қилиб қўйдилар.

Партия ва ҳукуматининг Сталинград область қишлоқ ҳўжалигига берган катта ёрдами тўғрисида қолхоз ва совхозлар бу йил дон экинлари ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олдилар, галла топшириш юзасидан олинган мажбуриятларини муддатидан илгаро бажардилар ва қолхозчилар меҳнат кунларига ўтган йиллардаги нисбатан анча кўпроқ галла оладилар. Областдаги қолхоз ва совхозлар кузги дон экинларини экиб бўлмоқдалар. Бу йил кузги экин майдонлари 140 миңг гектар неггади, кузги бугдой анча кўп экилади.

Қадрон ўртоқ Сталин, областдаги қолхозчилар, МТС ва совхоз ходимла-

ри, қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари Сизнинг гамхўрлигингизга жавобан махсулдор жамоат чорвачилигини ривожлантириш учинлиқ планини муваффақиятли бажариш, чорва молларини ем-хашак билан та'минлаш ва келгуси йилда му'л ҳосил олиш учун зарур шароитни вужудга келтириш соҳасида бутун кучларини сафарбар қилиб ишлайдилар, шунингдек чорвачилик махсулотларини ва бошқа қишлоқ ҳўжалик махсулотларини тайёрлаш планини муддатидан илгаро бажардилар.

Қадрон ўртоқ Сталин, Сизга ва'да бериб айтмакчи. Сталинград области қишлоқ ҳўжалигининг меҳнатқашлари бу мажбуриятларни ҳам муваффақиятли суратда бажардилар.

ВКП(б) Сталинград область комитетининг секретари И. ГРИШИН.

Меҳнатқашлар депутатлари Сталинград область Совети ижроия комитетининг раиси Я. ЛАРИН.

Тайёрлаш министрлигининг Сталинград областадаги вакили Ф. МОРОЗОВ.

Сталинград область қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи С. КРАСНОВ.

### БИРЛАШАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНING V СЕССИЯСИДА ҚАТНАШАДИГАН СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ

ССР Иттифоқи Министрлар Совети Бирлашан Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 19 сентябрда Нью-Йоркда овозиланган бешинчи сессиясида қатнашадиган СССР делегациясини қуридаги составда белгилади: СССР Ташқи Ишлар Министри А. Я. Вышинский — делегация раҳбари, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Уринбосари, СССРнинг Хавфсизлик Советидаги вакили Я. А. Малик, СССРнинг Америка Қўшма Штатларидаги Элчиси А. С. Панюшин, СССРнинг Буюк Британиядаги Элчиси Г. Н. Зарубин, СССР

Ташқи Ишлар Министрлиги Коллегиясининг а'зоси А. А. Арутюнян — делегация а'золари, Қозоғистон ССР Ташқи Ишлар Министри Т. Т. Тожибоев ва Ўзбекистон ССР Ташқи Ишлар Министри А. Х. Бобоҳўжаев — делегация а'золарининг ўринбосарлари, Б. Ф. Подцероб, С. К. Царепкин, В. М. Хаостоз, П. Д. Морозов, А. А. Рошчин ва В. М. Зонов делегациянинг маслаҳатчилари қилиб тайинландилар.

СССР делегациясининг бошлиғи А. Я. Вышинский 11 сентябрда Москвадан Нью-Йоркка йўнаб кетди. (ТАСС)

### Ўзбекистон ССР областларида 1950 йил 12 сентябргача пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида

#### МА'ЛУМОТ

(Процент ҳисоби билан)

Областлар	Маъсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш	Областлар	Маъсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Бухоро	22,91	1,97	Самарқанд	6,59	1,11
Сурхондар'ё	13,37	1,34	Қорақалпоғистон		
Фарғона	12,40	1,62	АССР	6,46	1,04
Андижон	11,25	1,58	Тошкент	4,42	0,76
Қашқадар'ё	10,21	1,23	Совхозларда	4,86	0,68
Наман					





